

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

№: РСТН-6030/165

Мингбулук .Т

2022 йил “25” эйорб

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – омпания) номидан 2021йил 30-декабрдаги 27-01-14-6033-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг АК “Ўзбектелеком” Наманган филиали директори Б.Нурматов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Мингбулук тумани Тиббиёт бирлашмаси Устав (Нзом, рўйхатга олингандаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ш Ахмедов. (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддалариiga мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тўзишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши. Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбик этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастребки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун

Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) **38560,8** сўмни ташкил этади. Ушбу сумма ўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда **2952900 (Икки миллион туккиз юз эллик икки минг туккиз юз сум)** миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган такдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўtkазиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун өтарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисбот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисбот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Офера қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарйлмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар

бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилайдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равищада Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қурашишни тартибга солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз қурашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпини билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равищаҳа хабардор қилинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ

белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучгакирадива 2022йил

31 декабрга қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттиrsa ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.**

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши – Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулқдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади! Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришишлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АҚ Наманган филиали	АБОНЕНТ: Мингбулоқ тумани Тиббиёт бирлашмаси
Манзил: Наманган шаҳар Истиқлол кучаси 57-йи Банк маълумотлари: х/р:_2021 0000 0040 7483 8363; СТИР: 203 366 731; МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тел: _____ E-mail: b2b@uztelecom.uz;	Манзил: Э Урмонов кучаси 24 ўй Банк маълумотлари: Тошкент шаҳар марказий банк х/р:100022860142047073101054001; СТИР:200073316; МФО:00014; Банк номи: _____; Тел: _94-300-96-33; E-mail: Дот: _____
Оператор номидан:  /ИМЗО/ М.ў.	Абонент номидан:  /ИМЗО/ М.П.

Исп.: Хошимов .А
Тел: (69) 452-25-81

Хошимов А.
12/24

Мингбулук тумани Тиббийт бирлашмаси билан Ўзбектелеком АК Наманган филиали ўртасидаги

тузилган 2022-йил 25-январ № РСТН-Г 0030/45

**№ РСТН-Б0030/45
Бонни таксимот**

2022-йил 25.01

р

№	Жами шартнома буйича					Шу жумладан	054	параграф
	Ойлар 2022	микдори	Базавий сумма	Индексация	Хаммаси	микдори	Базавий сумма	Индексация
1	Январ	16	926400		926400		926400	
2	Феврал	16	926400		926400		926400	
3	Март	19	1100100		1100100		1100100	
	1-чорак	51	2952900		2952900		2952900	
4	Апрел	0			0		0	
5	Май							
6	Июн							
	2-чорак	0						
7	Июл	0			0		0	
8	Август							
9	Сентябрь							
	3-чорак	0						
10	Октябрь	0			0		0	
11	Ноябрь							
12	Декабрь							
	4-чорак	0			0		0	
	жами йилик	51	2952900		2952900		2952900	

№	Жами шартнома буйича					Шу жумладан	054	параграф
	Ойлар 2022	микдори	Базавий сумма	Индексация	Хаммаси	микдори	Базавий сумма	Индексация
1	Январ	16	926400		926400		926400	
2	Феврал	16	926400		926400		926400	
3	Март	19	1100100		1100100		1100100	
	1-чорак	51	2952900		2952900		2952900	
4	Апрел	0			0		0	
5	Май							
6	Июн							
	2-чорак	0						
7	Июл	0			0		0	
8	Август							
9	Сентябрь							
	3-чорак	0						
10	Октябрь	0			0		0	
11	Ноябрь							
12	Декабрь							
	4-чорак	0			0		0	
	жами йилик	51	2952900		2952900		2952900	

Таминотчи раҳбар

Бош хисобчи

Бош хисобчи

Истебъомчи раҳбар

Ш.Ахмедов

М.Худайдердиева



[Signature]

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ SE50405845

1. Loyihaning turi. Sartnoma
2. Loyihaning nomi. Telekamunikatsiya hizmatlarini ko'rsatish to'g'risida.
(WWW.UZTELECOM.UZ)
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.
Sartnoma loyihasi Mingbuloq tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab
chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil
21 -yanvarda kiritilgan.
Loyiha amaldagi qonun hujjalariiga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul
qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



A.Irgashev

24.01.2022 y